

HUQUQ

45

(412)

YURIDIK GAZETA

Noyabr

D.	7	14	21	28	
S.	1	8	15	22	29
Ch.	2	9✓	16	23	30
P.	3	10	17	24	
J.	4	11	18	25	
Sh.	5	12	19	26	
Y.	6	13	20	27	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

«Шарқ гўзали-2005»



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида бадий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали-2005» жаҳон кубоги босқичи якунига етди.

Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи бу мусобақа мамлакатимизда иккинчи мартаба ўтказилди. Унда дунё бадий гимнастика таснифда етакчи ўринларни эгаллаган Россия, Беларусь, Исроил, Озарбайжон сингари давлатлар билан бир қаторда Қозғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон вакиллари ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришди.

«Шарқ гўзали-2005» бахсларида ҳам спортчиларимиз муносиб иштирок этишди. Турнирда етакчи бадий гимнастикачимиз Олеся Ашаева билан бир қаторда Зарина Мухиддинова, Екатерина Бабина, Раёна Мухамедова,

Рита Алимова каби қизларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Бу йилги мусобақанинг кўпқураш бахсларида омад россиялик қизларга кулиб бокди. Бош соврин Вера Сесина(Россияга) насиб қилган бўлса, унинг ҳамюрти таниқли спортчи Ольга Капранова шохсупанинг иккинчи погонасидан жой олди. Беларусиялик Валерия Курильскаяга бронза медали насиб қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Бадий гимнастика федерацияси кубоги учун ўтказилган мусобақалар совриндорларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Россиялик Вера Сесина олтин ва Ольга Капранова кумуш, Беларусь вакили Курильская эса бронза медали билан мукофотланди.

А.РИСКИЕВ олган сурат

Чоршанбадан Чоршанбагача

2 ноябр

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХТ) Парламент ассамблеяси раиси Элси Хэстингсга қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

5 ноябр

Тошкентда бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали-2005» халқаро турнири бошланди.

6 ноябр

«ЎздЭУавто» компанияси конвейеридан 500 мингинчи автомобил чиқди.

7 ноябр

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан М.Кучиев Тошкент вилояти ҳокими этиб тайинланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва иқтимоий масалалар қўмитаси Европа Эйд дастурининг «Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Пенсия таъминоти бўйича мавжуд моделлар таҳлили» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

SUD-HUQUQ ISLOHOTLARI

ИНСОН МАНФААТИ ҲИМОЯСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви шунчаки қонун талабининг юмшатилиши ёки заифлашуви эмас, балки қонунлардаги инсонийлик ва демократик асосларнинг ривожланишидир. Гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоқда ушлаб туриш эҳтиёт чоралари орасида энг оғири ҳисобланади. Чунки шахс эрки ҳамда айрим ҳуқуқлардан маҳрум қилинади. Жазони ижро этиш муассасаларининг қаттиқ ва оғир тартибига бўйсундирилади. Шунга қарамай, бу чора энг кўп қўлланиладиган эҳтиёт чораларидан ҳисобланади.

ЖПКнинг 242-моддасига кўра, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун гумон қилинувчи ёки айбланувчи Жиноят кодексида белгиланган уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган ёки беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятни эҳтиётсизлик туфайли содир этган бўлиши керак. Алоҳида ҳолларда қўриқдаги муддатлар кам бўлганида ҳам қамоқ чораси қўлланади. Бунинг учун гумон қилинувчи ёки айбланувчининг доимий яшаш жойи йўқлиги, шахсини аниқлаш имкониятининг бўлмаслиги, илгари қўлланган эҳтиёт чорасини бузганлиги, тергов органларидан ёки суддан яширинишга уринганлиги каби ҳолатларнинг лоақал биттаси мавжуд бўлиши керак.

БМТнинг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда шахсини асослар бўлмай туриб, қонунда белгиланган тартибни бузган ҳолда эркидан маҳрум қилиш қатъян ман қилиниши баён қилинган.

Ўзбекистон Конституциясининг 7-боб 25-моддасида «Хар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким асосланмаган ҳолда ҳибсга олинмиши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас» дейилган. ЖПКнинг 243-моддаси 2-бандига кўра, шахсини қамоққа олиш учун прокурорнинг махсус рухсатномасини олиш керак. Прокурор санкцияга бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин эмас, деган қарорга келгандан кейингина розилик беради. Бу соҳада прокурорларнинг анча тажрибалари ҳам бор. Шунинг учун ҳам 2005 йил 8 августда Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»-ги Фармони чиқарилгунга қадар кўлаб музокара ва мушоҳадалар бўлди. Ушбу фармон барча тортишуларга чек қўйди. Энди дастлабки терговга суд назоратини босқичма-босқич олиб кириш механизминини ишлаб чиқиш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, мавжуд қонунларни такомиллаштириш, судьяларни бу институтга тайёрлаш ҳамда прокуратура ходимларида бунга зарурий қўникма ҳосил қилиш лозим.

(Давомия 3-бетда).

TADBIR

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликини мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази Тошкент шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда «Мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда тадбиркорларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.

Унда марказ профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти туман ва шаҳар прокурорлари, СВОЖҚК бўлими бошлиқлари, ҳўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти суди раислари, банк бошқаруви раислари, адвокатлар ва ҳўқуқшунос олимлар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган мазкур анжуманда сўзга чиққанлар «Мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда тадбиркорларнинг ўрни», «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари», «Ҳўжалик судлари томонидан тадбиркорлар ҳўқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишининг айрим масалалари», «Фермер ва ширкат ҳўжаликлари илмий кредитлашнинг ҳўқуқий асослари» каби мавзуларда маърузалар қилишди.



Азиз муштарийлар!

Ҳаётингизни мазмунли

ўтказиш — бу сизнинг ҳуқуқингиз.

Ўз «Huquq»ингизни кўлдан

бой берманг.

«Huquq» — шубҳасиз

сизнинг минбарингиздир.

Индексимиз - 231

СВОЖКК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Янгйобод туманидаги «Зарбдор элеватори» ХЖга қарашли «Баландақирдон» МЧЖ омбор мудир Ш.Мусаев моддий жавобгарлигида бўлган 59 млн. 905 минг сўмлик 835.906 кг. донни ҳеч қандай ҳужжатсиз фуқаролар ва фермер хўжаликларига бериб юбориб, талон-тарож қилган. Шунингдек, жамият мансабдорлари 193.600 кг. арпани хусусий тадбиркор Ф.Ҳабибуллаевга харид нархидан 2 млн. 958,2 минг сўм арзон нархда сотиб юборганликлари аниқланган.

«Само нур жилваси» КТХФ ва «Айбат шаршараси» ХФ мансабдорлари «Ҳамза» МФЙ котиби А.Улашев, Дўстлик туман «Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» бўлимининг ходими Э.Норматов ва М.Ялғашевлар билан тил бириктириб, улгуржи савдо гувоҳномасини олиш мақсадида қалбаки кадастр ҳужжатларини туман ҳокимиятига тақдим этишган.

Туман ҳокимияти мансабдорлари эса ушбу қалбаки ҳужжатларга асосан улгуржи савдо гувоҳномасини расмийлаштиришган. Гувоҳномалар ноқонуний берилганлиги тўғрисида Дўстлик туман ҳокимиятига ёзма маълумот юборилган бўлса-да, ҳокимият мансабдорлари тегишли чора қўрмаган.

Тегишлирида АТ «Савдогар-банк» Уснат бўлими мансабдорлари эса низом жамғармаси шакллантирилмаган «Само нур жилваси» КТХФ ва «Айбат шаршараси» ХФларининг фаолиятини амалга оширишга шариит яратиб беришган. Натижада «Само нур жилваси» КТХФ мансабдорлари 2005 йилнинг июн-август ойларида 930 млн. 378 минг сўмлик, «Айбат шаршараси» ХФ мансабдорлари эса август-сентябр ойларида 437 млн. 700 минг сўмлик товар айланмаларини амалга оширишган. «Само нур жилваси» КТХФ мансабдорлари бюджетга тўлашни лозим бўлган 25 млн. 120 минг сўмлик, «Айбат шаршараси» ХФ мансабдорлари эса 11 млн. 817,6 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаётганлиги аниқланган.

Жондор туманидаги «Варахшо» ширкат хўжалиги ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини сақлаш омбори мудир С.Асадов 1 млн. 118,8 минг сўмлик 6283 литр ёнилғини ўзлаштирилганлиги аниқланган.

Узун туманида яшовчи фуқаро Н.Толибов ўз уйида С.Толибов билан давлат рўйхатидан ўтмай, техник чигитдан пахта мойи ва кунжара ишлаб чиқарувчи яширин цех ташиқ қилганлиги аниқланиб, ундан 499 кг. техник чигит, 330 кг. кунжара, 200 кг. ёғ, 7 дона порошок ва мойхувоз далилий ашё сифатида олинди.

Сирдарё вилоятининг «Бирлашган» кооператив ширкат хўжалиги ёнилғи мойлаш материаллари омбор мудир С.Ахадов хўжалик мансабдорлари билан тил бириктириб, 2005 йил давомида ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан 83 млн. 623,6 минг сўмлик 211.125 литр ёнилғи мойлаш материалларини талон-тарож қилганлиги аниқланган.

Гулистон туман «Газлаштириш» корхонаси мансабдорлари АТ «Пахтабан» Деҳқонбод бўлимида олинган ва корхона ишчиларига берилиши лозим бўлган 23 млн. 623,6 минг сўмлик иш хакини тарқатмай, бошқа мақсадларга йўналтирилганлиги аниқланган.

Юкоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

PROKUROR NAZORATI

Қурилишнинг қонунийми?

«Давлат архитектура-қурилиш нazorати хуудий инспекцияси тўғрисидаги номунавий Низом»га мувофиқ Тошкент вилояти инспекцияси инспекторлари ўз фаолиятларини «Давлат архитектура-қурилиш» қўмитаси томонидан ўтказиладиган аттестация натижаларига кўра бериладиган сертификатлар асосида амалга ошириши белгиланган бўлса-да, сертификат бўлмаган 12 нафар етакчи ва 7 нафар бош мутахассис қурилиш объектларини текширишга жалб қилинган.

Шу билан бирга хуудий инспекцияларга МЖТКнинг 178-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар қўриш вазифаси юклатилган бўлса-да, ўтган давр мобайнида ушбу ваколатлардан умуман фойдаланилмаган. Аксинча, айрим давлат архитектура ва қурилиш нazorати инспекцияси мансабдорлари ҳукумат қарори талабларини бузиб, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ҳужжатларни қалбақлаштириш, мулкни талон-тарож қилиш, порахўрлик каби жиноятларни содир этишган.

Бўхоро шаҳар ҳокимлиги архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи О.Шукуров фуқаро У.Қудратовга тегишли «Оқшом» ошхонаси биносининг олд томонида ўзбошимчилик билан қурилган бинони бузмаслик эвазига ундан 200.000 сўм пора олган вақтда ушланган.

Навоий шаҳар бош архитекторининг

Республика прокуратураси тўғрисидаги қонуннинг 178-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар қўриш вазифаси юклатилган бўлса-да, ўтган давр мобайнида ушбу ваколатлардан умуман фойдаланилмаган. Аксинча, айрим давлат архитектура ва қурилиш нazorати инспекцияси мансабдорлари ҳукумат қарори талабларини бузиб, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ҳужжатларни қалбақлаштириш, мулкни талон-тарож қилиш, порахўрлик каби жиноятларни содир этишган.

Ўринбосари М.Ақомов эса фуқаро В.Эргашевдан ажратилган ерни қайтариб олмаслик эвазига 3000 АҚШ доллари ва 1 млн. сўмини пора тариқасида олган вақтда ушланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Тегишли натижаларига кўра, ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 136 та протест келтирилиб, қонунбузилишларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 117 та тақдиминома киритилди. 84 нафар мансабдор шахс қонун талабларини бузмаслик ҳақида огоҳлантирилиб, 325 нафар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилишлари юзасидан 10 та жиноят иши қўзғатилиб, ўзбошимчилик билан қурилган қонунбузилишларни бузиш бўйича судларга 101 та арiza киритилди.

О.МАТНАЗАРОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

MURUVVAT

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Сурхондарё вилоятида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистонда васийлик ва ҳомийлик тўғрисида», «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва онага тарбияга олиш тўғрисида»ги низомларнинг бажарилиши, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазаси масалалари ўрганиб чиқилди.

Тегишли ишларда айрим идораларнинг мансабдорлари масъулиятсизликка йўл қўйиши оқибатида вояга етмаганларнинг қонуний манфаатлари поймол қилинганлиги аниқланди. Хусусан, Жарқўрган туманидаги «Камар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшаб келган Султон Турдиева ва Нурмамет Бобомуродовлар вафот этишган. Бироқ уларнинг вояга етмаган 6 нафар фарзанди бокучисини йўқотганлиги ҳақида маҳалла раиси У.Омонтурдиев ва 17-мактаб директори А.Нормуродовлар васийлик ҳамда ҳомийлик органига хабар беришмаган. Натижада етим болалар бокучисини йўқотганлик нафасини ололмаганлар. Туман прокуратурасининг аралашуви билан уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. У.Омонтурдиев ва А.Нормуродовга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Қизирқ туманидаги «Рабатак» маҳалласида истиқомат қилаётган В.Володина 1995 йил 31 декабр кунини туғилган қизи Вероника билан яшаб келиб, касалликка чалинганлиги оқибатида Қашқадарё вилоятидаги саховат уйига жойлаштирилган. Қиз эса соғлом турмуш тарзига эга бўлмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган кишининг тарбиясида қолдирилган. В.Володина тумандаги 2-мактабда ўқийётган бўлишига қарамай унинг ижтимоий муҳофазаси мактаб маъмурияти, маҳалла фаолларининг эътиборидан четда қолган.

В.Володина Бойсун туманидаги 12-мехрибонлик уйига жойлаштирилди.

Ёрдамга муҳтож болаларнинг бошини силаш, уларга ёрдам бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Х.РАИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси катта ёрдамчиси

ХАБАР

ПРОКУРОР НОМИДАГИ КЎЧА

Шу йил 13-14 май кунлари Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида шаҳар прокурори Фанижон Абдурахимов гаровга олинган ва жиноятчилар қўлида ҳалок бўлганди.

Жамоатчилик вакиллариининг прокурор туғилиб ўсган Жалолқудуқ тумани Охунбобоев шаҳарчасидаги кўчалардан бирига унинг номини бериш тўғрисидаги тақлифи кўриб чиқилди ва маъқуланганди. Энди ушбу кўча Фанижон Абдурахимов номи билан аталади.

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Нуқуқ» мухбири

SHAHAR BEDARVOZA EMAS

«Хотамтой» бошқарувчи

«Шахрихон тўқимачилик» очик акциядорлик жамияти иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолган, унга хўжалик судининг тегишли ажрим асосида А.Араббоев ташки бошқарувчи этиб тайинланган эди. Суд ажримини билан корхона кредиторлик қарзларига мораторий эълон қилинган, бор маблағларни ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиб, қаддини ростлаб олишга сарфлаш имконияти берилганди. Бироқ А.Араббоев зиммасига юкланган вазифаларни ундайлаб олмай, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, дебитор қарзларни ундириш, кредитор қарзларни қайтариш чора-тадбирларини кўрмади. Ишлаб чиқариш ўсиш ўрнига пасайди. 2000 йилда режага нисбатан 65,8 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, кейинги уч йилда 35,7 фоиздан 25,3 фоизгача камайиб кетди.

Мораторий эълон қилинган жамиятнинг 81,7 миллион сўмлик кредитор қарзлари ишлаб чиқариш қувватини оширишга сарфланмай, 36,1 миллион сўмлик маблағ кредиторларга тўлаб юборилди. Корхонанинг 19,5 миллион сўмлик ускуна ва жиҳозлари тегишли тартибда баҳоланмай, ким ошди савдосиз бартар усулида, 6,5 миллион сўмлик эса пул ўтказиш йўли билан сотиб юборилди.

рилли.

Вилоят хўжалик судининг 2003 йил 27 ноябр кунги қарори билан корхона банкрот деб эътироф этилган. Уни тиклаш ўрнига банкрот ёқасига келтириб қўйган ташки бошқарувчи А.Араббоев ўрнига тугатилаётган корхонага 3.Дадахонов бошқарувчи этиб тайинланди. У ушбу лавозимга тайинланган пайтда корхонанинг баланс қолдиги 365,2 миллион сўм қийматидаги асосий воситалардан иборат эди. 3.Дадахонов «Банкротлик тўғрисида»ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига амал қилмади. Аукцион савдолари ўтказмасдан, кредиторларнинг розилигини олмади, асосий воситаларни қайтадан баҳоланмай, олди-сотди шартномалари орқали жисмоний шахсларга 233,2 миллион сўмга сотиб юборди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

О.ХОШИМОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

YO'L QOIDASI – UMR FOYDASI

Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган автоуловларсиз бугунги ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Одамлар ана шу техникани яратар экан, бир вақтинч ўзида ундан фойдаланиш ва бошқаришга оид турли қонун-қоидаларни ҳам ишлаб чиққан. Вақт ўтиши билан, яъни турли автоуловлар ва улардан фойдаланувчиларнинг сонини орттириш билан бу қоидалар ҳам ривожлантириб боришган. Мазкур қоидалар бир томондан автотранспорт хайдовчилари учун, иккинчи томондан пиёдалар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, мамлакатимизда йўл ҳаракатларини тартибга солувчи «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари» ҳам ана шунга йўналтирилган. Афсуски, ҳамма ҳам бу қоидалар моҳиятини ва заруратини тўла англаб етавермас экан. Буни шахримизнинг серкатнов кўчаларида содир бўлган йўл транс-

Йўл лоқайдликини кечирмайди

порт ҳодисалари мисолида кўришимиз мумкин.

Маълумки, «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари»нинг тегишли бандлари хайдовчидан йўлларда ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса қарияларга, ногиронларга ва болаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришни талаб этади.

Ҳамшаҳримиз А.Мусаев йўл қоидасининг ана шу бандларини яхши ўзлаштирмагани ёки билгани ривоя қилмагани фожеа билан яқун топди. Ўтган йилнинг 14 октябр кунини у хизмат автоуловида Чилонзор тумани Мўҳимий кўчаси-

даги пиёдалар ўтиш жойида 72 ёшли З.Тугушевни босиб кетган. Оқибатда жабранувчи воқеа жойида вафот этган.

А.Мусаев судда айтишича, ухатто қарияни босиб кетганини сезмаган ҳам, қачонки унга бошқа бир хайдовчи бу ҳақда хабар берган, воқеа жойига қайтиб келган...

Яна бир ҳамшаҳримиз Ш.Ҳамдамовнинг ўзига хизмат юзасидан бириктирилган «ПАЗ-672» русумли автобусни бошқариб бораётган, хушёрликини йўқотиши фожеа билан яқун топди. У 73 ёшли пиёда В.Акмаловни уриб юборган. Жабранувчи олган оғир тан жароҳати

оқибатида касалхонада вафот этган. Тажрибали хайдовларнинг бундай қалтис ҳатога йўл қўйиши ачинарли, албатта.

Ҳар икки ҳолатда ҳам айбдорлар суд ҳуқуқи билан тегишли жазога тортилган. Биз бежизга айнан кекса ёшли жабранувчилар билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисаларига тўхталмадик. Маълумки, кекса ёшли инсон норасида гўдак каби атрофдагиларнинг эътиборига муҳтож бўлади. Озгина эътиборсизлик эса ноҳус вазиятларга сабаб бўлиши мумкин.

Умуман, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги, аввало хайдовчи қолаверса, пиёдалардан ҳам хушёрликини, энг аввал йўл қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади.

И.КАЗАКБАЕВ,
Чилонзор туман прокуратурининг ўринбосари



Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.

Ислом КАРИМОВ

Фармонларда ҳаёт Нафаси

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» номли маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислох этишни янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш бўйича амалга оширилаётган ижобий ишларни қайд қилиш билан бирга, бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан бири жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш эканлиги, шунингдек, ўлим жазосига мораторий қўллаш эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш лозимлигини таъкидлади. Ўлим жазосига мораторий қўп мамлакатлар, жумладан, Россия, Қозғистон ва Қирғизистонда қўлланган ва бу тадбир қўтилган самарани бермаганди. Жумладан, маълумотларга кўра, Қирғизистонда 1998 йилдан буён 140 маҳкумга нисбатан мораторий тўғрисида жазонинг ижро қилиниши орқага суриб келинаёпти.

ИНСОН МАНФААТИ ҲИМОЯСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шахсни қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқини судга олиб беришдан мақсад фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлаш, судгача бўлган жиноят-судлов ишларини юриштида суд назоратини ўрнаттиш, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашни халқаро талабларга мослаштиришдир.

Қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказишдан қўтилган манфаат нима деган савол туғилади.

Суд жиноятларнинг очилишига, терговнинг сифатига жавоб бермайди, унинг айблов позициясига умуман алоқаси йўқ.

Шунинг учун ҳам у жиноят-процессуал фаолиятдаги жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки терговда ҳуқуқни муҳофаза қилиш имкониятига кўпроқ эга. Суд жиноий таъйибни амалга оширмаганлиги учун ҳам тергов ва процессуал ҳаракатларни қонуний ва асосли ўтказишдан судгача бўлган босқичларда йўл қўйилган хато, қамчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишидан манфаатдор. Чунки бу нарса кейинчалик қонуний, асосланганлиги, адолатли ҳукми чиқаришга замин тайёрлайди.

Иккинчидан, дастлабки терговнинг самарадорлигини ошириш учун тортишув принципини жорий қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикр назарий жиҳатдан анчадан бери асослаб келинади. Масалан, А.Макаркиннинг фикрига кўра, тарафлар ўртасидаги тортишув заминидан жиноят процессининг айблов ва ҳимоя функцияси мавжуддир. Буларнинг тенглигини таъминлаш фақатгина суд органига хос. Дастлабки терговда суд назоратининг ўрнатилиши ўз-ўзидан жиноят процессида янги функция (фаолият йўналиши)ни жорий қилиш зарурлигини тақозо этади. Албатта, бу функция судга хос бўлган одил судлов функцияси эмас, унга ёрдам берадиган суд назорати функциясидир. Суд назорати функцияси дастлабки терговда тарафларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради, уларнинг қарор ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) қонуний, асосли бўлишини таъминлайди, процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишининг олдини олади.

Ва няхоят жиноят процессининг бир босқичида (дастлабки тергов) иккита (прокурор назорати ва суд назорати) функциясининг бўлиши қай тартибда амалга оширилади? Бу функциялар бир-бирига ҳалал бермайди. Му்தлақ, улар фаолиятларини бир-биридан мустақил ҳолда амалга оширади. Прокурор ўз назоратини суриштирув ва дастлабки терговда доимий равишда, узлуқсиз, уларнинг барча фаолиятларини тўлалигича қамраб олган ҳолда амалга оширади. Прокурор суриштирув ва дастлабки терговга нафақат раҳбар, балки қонулларга қай даражада риоя этилаётганлигини назорат қилишга мажбур бўлган мансабдор ҳамдир.

Суд назорати бундай хусусиятга эга эмас:

- а) у прокурор назоратининг ўзини босолмайди;
- б) суд назорати прокурор назоратининг элементларини такрорламайди;
- в) суд назорати прокурор назоратидан ваколати, мақсади, вазифаси, объекти ва чегарасига кўра тубдан фарқ қилади. Дастлабки терговдаги суд назоратининг асосий мақсади — жиноят судлов ишларининг самарали бўлишига хизмат қилиш, мустақил функция сифатида охир-оқибат одил судловни амалга оширишга шарт-шароит яратишдир.

Қамоққа олишга санкция бериш айрим давлатларнинг процессуал қонунчилигида қўшалок назорат остидадир. Масалан, Россия ЖПКнинг 108-моддасида ҳам прокурор, ҳам суд шахсни қамоққа олишга розилик бериши керак. Айрим давлатларда, масалан Францияда, айнан қамоққа олишга санкция беришга ихтисослашган судья бор.

Россияда дастлаб санкция бериш ваколати судга олиб берилганда терговчи ва прокурорнинг гумон қилинувчи ва айбланувчини қамоққа олиш тўғрисидаги талабномаларини судларнинг бажариши анча қийин бўлган. Судьялар айрим сабабларга кўра, қамоққа олиш чорасига розилик беришга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишган. Масалан, Россия ИИВнинг тергов қўмитаси берган ахборотга кўра, 2002 йилнинг июл-сентябр ойларида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш Тула, Ярослав, Нижний Новгород, Белгород вилоятларида ўртача 40-60 фоиз, Карелияда эса 20 фоизга камайган. Натижада 2002 йили қамоққа олишдан бошқа чоралар қўлланиб, айб эълон қилинган шахсларнинг яримдан кўпига қидирув эълон қилинган. Шундай ҳолатлар бўлмаслиги учун жорий мамлакатларнинг қонунчилиги ва амалиётини ўрганиш ҳамда миллий хусусиятларимиздан келиб чиқиб, қонунларимизни такомиллаштириш лозим.

Ҳ.СУЛТОНОВ,

Ҳўжайли туман прокуратураси катта терговчиси

Нихоят, 2005 йил 2 августда Президентимизнинг ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги фармони матбуотда эълон қилиниб, 2008 йил 1 январдан ўлим жазосининг жазо тизимидан бутунлай чиқариб ташланиши белгиланди. Ушбу фармонда Ўзбекистон ҳуқуқ тизимини ислох қилиш-

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

нинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ва жиноий жазо тизимини босқичма-босқич либераллаштириш эканлигига ургу берилди.

Ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган халқаро шартнома ва битимларга ўхшаладиган бўлсак, шунга айтиш лозимки, жаҳон жамоатчилиги ўлим жазосига тамоман қарши. Ушбу соҳада охириги йилларнинг асосий воқеалари ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган халқаро келишувларнинг қабул қилиниши бўлди. Ҳозирга келиб шундай тўртта келишув мавжуд.

1989 йил БМТ томонидан Фуқаролик ва снсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга ўлим жазосини бекор қилишга оид иккинчи қўшимча баённома киритилган эди. Унда ўлим жазосини тўлиқ бекор қилиш ва фақат уруш вақтидагина уни истисно тарихида сақлаб қолиш белгиланди. Ушбу ҳужжатни 52 та давлат ратификация қилди, 9 та давлат унга келгусида қўшилиш ниятини изҳор этди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясига киритилган ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча ҳам шундай тартибни белгилайди. Уни Американинг 8 та давлати ратификация қилган, яна 1 та давлат имзо

чеккан.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясига 6-баённома. Ушбу ҳужжат тинчлик даврида ўлим жазосини тақиқлаш тўғрисидаги битимдир. Бугунги кунга қадар уни 44 та давлат ратификация қилган, яна 1 та давлат имзо чеккан.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясига 13-баённома. Унинг алоҳида хусусияти шундаки, ўлим жазосини ҳар қандай ҳолатда, истисносиз бекор қилишни белгилайди. Бу ҳужжатни Европанинг 18 давлати ратификация қилган, 24 та давлат имзолаган.

Шунингдек, 2004 йил октябрда Монреалда (Канада) Ensemble contre la Peine de mort (ўлим жазосига қаршилар билан бирга) ва Penal Reform International (халқаро турма ислохоти) халқаро жамоатчилик ташкилотлари ўлим жазосини бекор қилиш бўйича 2-умумжаҳон конгресси ўтказилди. Унда мингдан ошмиқ дипломат, парламент аъзолари, эксперт, ҳуқуқшунос, журналист ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Тарихга назар соладиган бўлсак, ўлим жазоси биринчи марта АҚШнинг Мичиган штатида 1846 йили бекор қилинган. Европада эса биринчи бўлиб 1867 йили Португалия бекор қилган.

1990 йилдан 40 дан ортиқ мам-

лакат бу жазо турини бекор қилди. Ангола, Мозамбик, Сенегал, Канада, Парагвай, Мексика, Бутан, Гонконг, Самоа, Туркменистон, Арманистон, Озарбойжон, Грузия, Туркия шулар жумласидандир.


Ўлим жазосини бекор қилган мамлакатлар камдан-кам ҳолларда уни тикламоқда. 1985 йилдан буён ўлим жазосини бекор қилган 50 дан ортиқ давлатнинг тўрттаси уни тиклаган. Шунга қарамай Непал ҳозир уни қўлламаяпти, Филиппин тиклади, аммо кейинчалик ижро этишни тўхтатди. Қолган икки давлат — Гамбия ва Янги Гвинейда ўлим ҳукмлари ижро қилинмаган.

Собиқ совет республикаларида ҳам ўлим жазосини бекор қилиш тенденцияси кузатилаёпти. Иттифокнинг иккирозидан сўнг гарчи давлатлар ўлим жазосини сақлаб қолган бўлса-да, ҳозирга келиб 9 та давлат бекор қилди, 4 тасида ўлим жазосига мораторий эълон қилинган. Латвия фақат тинчлик вақтларидагина барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинганини билдирди. Фақат Ўзбекистон ва Беларусда бекор қилинмаган эди ва ушбу давлатлар ҳам уни бекор қилишди. 2004 йил июлда Тожикистонда «Ўлим жазосини ижро этишни тўхтатиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Шу йилнинг январ ойида Қирғизистон президенти ўлим жазосига нисбатан мораторийнинг яна бир йилга қўйилишини эълон қилди. Шунингдек, бу минтақада халқаро даражада тан олинмаган Абхазия, Жанубий Осетия ва Молдованинг Днестрбўйи республикасида ўлим жазоси мавжуд.

«Халқаро амнистия» ташкилотининг маълумотиغا кўра, ҳозир дунёдаги мамлакатларнинг ярмидан ортиғи ўлим жазосини бекор қилди. Баъзи давлатлар уни қонун йўли билан бекор қилмас-да, амалда қўлламаяпти.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, ўлим жазосини бекор қилиш инсонпарварлиқнинг олий намунаси ҳисобланиб, бу халқимизнинг миллий хусусиятлари бўлиши кечиримсизлик ва бағрикенгликка тўла мос келади.

Ф.БОЙТЎРАЕВ,
ТДЮИ талабаси



МУАММО

Хўб андишали халқимиз бор-да. Сабр-тоқатига тасанно айтмай илож йўқ. Кўпинча ранжу аламини ичига ютади. Хадеганда дардини юзга чиқарвермайди. «Боши ёрилса, дўппининг тагида қолсин» қабилида иш тутамиз. Аммо сабрнинг ҳам чегараси бор.

1975 йилда мамлакатимизнинг жанубий чегарасидан атиги 10 км. нарида Тожикистон алюмин заводи ишга тушурилган. Корхона йилига 517 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ўттиз йилдирки, унинг мўрилари ҳавога фторли водород, азрозолли водород фториди, олтингугурт ангидриди, азод ва углерод оксидлари пур-камоқда.

Биз девор дармиён қўшнларимиз. У томонда ҳатто тандир-ўчоққа ўт ёқилса, бу ёққа ўтмай қолмайди. Завод эса Сурхон воҳаси томон эсадиган шамол йўналишида бунёд этилган. Шу боис корхонадан чиқаётган заҳарли газлар асосан Ўзун, Сарюсиё, Денов ва Олгинсой туманлари устига ёпирилади. Ҳатто Бандихон ва Қизилқум туманларигача етиб келаётир.

Сарюсиё тумани ҳудудига ўта хавфли моддалар миқдори белгиланган меъёрга нисбатан 1,7-2,6 марта кўп эканлиги аниқланган. Ўзун туманида эса аҳвол бундан ҳам аянчли.

Маъзур туманлардаги хурмо кўчатларининг барги баҳордаёқ кислотали ёмғирлар туфайли қов-жаираб қолаётир. Урик дараклари аллақачон мева бермай қолган. Кўчаларнинг кўрки бўлган кўй йиллиқ гилослар кўрий бошлади. Май ойида тоқларнинг барги тушиб, ҳазонрез бўлди.


Довруғи етти иқлимга кетган Дашнобод анорлари йўқолиб кетиш арафасида. Хайвонот олами ҳам катта талофат кўрмоқда. Қорамол ва қўй-эчкиларнинг тиши тўқилиб кетаяпти. Кўр туғилган уй хайвонлари ҳам бор. Энг даҳшатлиси, бу балою қазо бебаҳо бойлик — одамлар саломатлигига ҳам жиддий путур етказмоқда.

«Русский алюминий» компаниясининг ушбу завод ишлаб чиқариш қувватини икки баравар оширишга ва бу билан ҳам кифояланмай Хатлон вилояти яқинида яна бир алюмин заводи қуришга қарор қилганликлари маъмурларимизни жунбўшга келтирди. Негаки, мабодо бу режа амалга ошадиган бўлса, энг аввало Сурхон воҳасидаги экологик вазият издан чиқши турган гап. Одамлар, наботот ва хайвонот оламига катта зарар етиши турган гап.

Келинг, яхяиси шу ҳудудда яшаётган кишиларнинг фикрига қулоқ тутайлик.

Алишер Бойматов, Сарюсиё туманидаги «Тоқчиё» ширкат хўжалиги:

— Заводнинг зарари ҳақида эсини таниган ҳар бир киши билади. Кўпчилик Тошкент ва бо-



Қора бўлум қуноқлашмасин!

шқа жойларга қўчиб кетишди. Ўйлаб кўринг, бутун Сарюсиёни, Ўзун аҳолисини Тошкентга қўчиришнинг иложи йўқ-ку! Қолаверса, «ота юрт», «киндик қони тўқилган жой» деган гаплар ҳам бор. Мен қандай қилиб кўчман. Ахир оғайниларим шу ерда. Бир ўзим қўчиб кетган билан Сарюсиёни олиб кетолмайман-ку!

Шоймардон Беков, пенсионер:

— Мен уруш кўрган одамман. Душман билан очик отишганман. Уруш уруш-да. Ажали етган ўлади. Тожикистондаги алюмин заводдан чиқаётган заҳар ҳамма томонни расво қилди. Энди чимилдиққа кирган келин нега чилласи чиқмай отасиникига кетиб қолади? Тўққанлари ўлик ёки мажруҳ бўлса, айримларини...

Ахир, бу дуд бўронлар душман тўпидан отилган снаряддан ҳам оғир жароҳат ва ҳалокат олиб келаяпти-ку! Бунчи йўлини тўсадиган халқро ташкилотлар нега жим?!

Сайфулло Собиров, Сарюсиё туманидаги «Гравзавод» мавзесида яшовчи фуқаро:

— Тўрт-беш йилдан бери ўрикни Термиз, Жарқўрган туманларидан олиб келамиз ёки савдогарлар олиб келиб сотишади. Дашнобод анори билан баҳс боғлашадиган анорлар қуриб, ўтин бўлиб қолди. Ҳаво оғир, суяклар зил-замбил! Бу ҳолда эртага қандай яшаймиз?!

Ўсар Оқбўтаев — Ўзун тумани, Б.Омонов ширкат хўжалиги, ишчи:

— Мен айна йигит ёшидаман. 2 та фарзандим бор. Синфимизда олти нафар ўғил бола бор эди. Ҳаммамиз уйланганимиз. Афсуски, учта ўртоғимнинг умр йўлдоши

ган бу заводни нега яна кенгайтиришмоқчи?

Амиргул Суянова, Денов тумани:

— Ўғлимни уйлаш ниятида томорқага қарам эдик. Даромад қиламизми, деб пилла ҳам олган эдик. Минг афсуски, пилла қурти ўрайман деганда бир бало дориди. Меҳнатимиз зое кетганига ачинаман.

С.Рамазанова, Сарюсиё туман солиқни сақлаш бўлими бош шифокори:

— Туманимизда турли хил касалликлар кўпаяётгани бизларни

нингдек, аёлларнинг соч толасида фтор меъёридагига нисбатан 2-3 баробар кўплиги аён бўлди.

Оналар сути таркибида хром, бром, темир, олтин микдорининг камайиб, стронций моддаларининг кўпайганлиги эса ҳомиланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

С.Раҳмонов, Ўзун туман марказий шифохонаси Бош врач:

— Сарюсиё, Ўзун, Денов туманларида флюороз тиш касаллигининг кескин кўпайгани маълум. Бу хасталик тиш қаттиқ тўқималари, ҳатто она қорнидаги ҳомиланинг тиш қуртакларини зарарлайди. У асосан сув, ҳаво ва тупроқ таркибида фтор бирикмасининг ортиси натижасида йилдан-йилга кўпаяётганлиги тиш-вишлидир.

2005 йилнинг 6 ойи мобайнидаги бўқоқ касаллигига чалинган 20.407 нафар бемор рўйхатга олинган.

Амирулло Алиев, муҳандис:

— Завод халқимиз саломатлигига катта хавф туғдирмоқда. Шу иншоот лойиҳасини чизган, гиштини терган ҳамкасбларимга ҳеч ҳам қойил эмасман. Улар катта пул ишлаган бўлишлари мумкин. Аммо минг-минглаб инсонлар тақдирини ҳам ўйлашса бўлмайди-ми?

Худойназар Маматқулов, ҳуқуқшунос:

— Яқинда вилоятимизда Тожикистон алюмин заводининг ҳудудлар экологиясига бўлган салбий таъсирини камайтириш муаммоси ечимини йўлларини излаб топишга бағишланган халқро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда БМТ, Жаҳон тараққиёт банки, халқро Қизил хоч, Осиё тараққиёт банки

ҳамда Жаҳон солиқни сақлаш ташкилоти ва Ўзбекистонда иш олиб бораётган кўплаб ташкилотлар, ОАВ вакиллари қатнашдилар.

Анжуман қатнашчилари Ўзун, Сарюсиё ва Денов туманларида бўлишди. Улар бир неча хўжалик, корхона ва муассасаларга боришиб, ҳақиқий ҳолатни ўз кўзлари билан кўришди.

Муаммонинг ечимини ҳақида кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқмоқда. Ҳозирги пайтда бутун диққат-эътиборни корхонадан чиқаётган заҳарли моддаларни мумкин қадар зарарлантиришга ва янги заводлар қурилишига йўл қўймасликка қаратмоқ зарур.

Биз ҳам ушбу эзгу-ниятлар тезроқ рўёбга чиқши тарафдоримиз.

Ўрол АБРАЕВ, журналист.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ, «Нуқуқ» муҳбири

BARKAMOL AVLOD ORZUSI

БОЛА ҲИМОЯСИ —

Ўзбеклар болажон халқ. Ўзбек субҳи содиқдан қора кечгача бола-чакам деб гимир-гимир қилади. Ўзи емай боласига едиради, ўзи киймай боласига кийдиради. Ўзбекининг энг майин, энг ёқимли қўшиғи — алла, энг кўп тилга оладиган сўзи — бола. «Болани уй — бозор, боласиз уй — мазор», «Бол ширин, болдан ҳам бола ширин» дейди ўзбеклар.

1989 йилда БМТ Бош ассамблеяси қабул қилган «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»нинг 1-моддасида шундай дейилади: «18 ёшга тўлмаган шахс бола деб эътироф этилади, миллий қонунарга мувофиқ балоғат ёши сифатида кичикроқ ёш белгиланган ҳоллар бундан мустасно».

Ўқориди таърифдан келиб чиқадиган бўлса, миллий таълимига кўра, ота-она фарзандини ўқитиб, ҳунар ўргатиб, ўйли-жойли қилиб «қутулмағунча» у бола ҳисобланади. Шу ўринда «Болани нимадан ёки қимдан ҳимоя қилмоқ ке-


рак?» деган савол туғилади.

— Боланин ҳаётига, ҳуқуқларига даҳл қилиши мумкин бўлган объект ва субъектларнинг рўйхати жуда узун бўлганлиги учун улардан айримларини умумлаштирган ҳолда санаб ўтиш билан кифояланамиз. Болани энг аввало:

— турли нуқсонлар билан туғилган;

— турли касалликлардан;

— ҳужалик аномалии билан муомала қилиши билмаганлиги оқибатида юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалардан, ёшга мос келмайдиган ўйинчоқлар-



YOSH PROKUROR KUNDALIGIDAN

Болалигим Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида ўтган. Отам молия ходими бўлганлиги боис узун-кун иш билан банд эди. Лекин биз учун вақт ажратишга улгурарди. Айниқса мени жуда яхши кўрарди. Эсимда, учинчи-тўртинчи синфларда ўқирдим. Отам мени етаклаб Тошкентга олиб борди. Шаҳар менда катта таассурот қолдирди. Баланд бинолар, кенг кўчалар. Чорраҳада милиция формасини кийиб, ола таёғи билан машиналар ҳаракатини бошқараётган гўзал киз хотирамда бир умр муҳрланиб қолди. Шу кундан бошлаб мен катта бўлсам милиционер бўламан дея орау қила бошладим. Битирувчи синф бўлганимизда ҳуқуқшуносликдан дарс ўта бошладик. Шунда кўнглимдаги лияҳона ниятим ҳуқуқшунос бўлиш сари ўсди. Иккала қасбнинг яқинлиги мени шунга ундади. Шу тахлит устозларим фатвоси билан ўқишга кириб кетдим. Институтни тугатиб Жиззах вилояти Зафаробод тумани прокурату-расига иш ўрганувчи бўлиб келдим. Кўп ўтмай мени Фориш туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимига ишга жўнатишди...

Олис қишлоқдан бир чолнинг йўқолганлиги ҳақида хабар келган, хавотирга тушдик. Ном-нишонсиз йўқолган Чори отани (исмлар ўзгаририлган — муаллиф) қидириш икки ҳафтадан бери самара берай демасди. У қасддан ўлдирилган ва номаълум жойга ташлаб кетилган деган тахмин зўр бериб текшириб қўриларди. Қариянинг ҳаётини ҳимоя қилиш масъулияти бизни шунга ундарди. Унинг қариндошлари, таниш-билишлари, бориши мумкин бўлган жойлари текшириб қўрилди. Бирор жойдан милт этган ёруғлик кўринмасди. Ва ниҳоят кимдир:



— У чол тоққа пидина тергали кетган бўлса керак, — деди. Доривор гиёҳларни маҳаллий шевада пидина дейишди. Тезкор гуруҳ билан шу заҳоти йўлга тушдик.

Тоққа кўтарилаётганимизда кун кечга яқинлашганди. Ташқаридан қараганда Форишнинг унча баланд бўлмаган бу тоғларига югуриб чиқиш мумкиндек туюларди. Аслида ундай эмас. Пастми-баландми, тоғ барибир тоғ. Дўлана бутоклари шу ерда қолишингни тилагандек кийимингдан тортиқлаб етди. Пастга қарасанг, шунча баландликка ўз оёғинг билан чиққанингни ишонгинг келмайди. Йигит кишига-ку бу машаққатлар ҳеч нарса эмас. Мен эса сир бой бермай, ҳамроҳларимнинг мададини рад этиб, сўқмоқдан юқорилардим. Икки соатлар чамаси вақт ўтгач, ниҳоят манзилга етиб келдик. Унча баланд бўлмаган даракнинг биртоғи тағида етмишларга кутган қол юзтубан ётарди. Воқеа жойини кўздан кечириб бошладим. Чолнинг икки ёнидаги иккита халтага эътибор қаратдик. Халталар гиёҳларга тўла эди. Соч-соқоли ўсиб кетган бу инсон ожиз кифедада ётарди. Ёбегидан этикнинг товони ейилган, кийимлари эса тирналган эди. Бу эса Чори отанинг анча

сарсон бўлганидан дарак беради. Лекин танасида бирор-бир зўравонликнинг аломати сезилмади. Эксперт у қасддан ўлдирилганини, чол қари бўлганлиги боис ҳавонинг ноқулайлигини кўтаролмаганини аниқлади. Ўртада бир неча кун ёмғир ёққани тўғайли тоғдан тўшолмаган, натижада эса...

Мурдани олиб қайта бошладик. Қоронғи бўлганлиги ва ўша куни ой ҳам бўлмаганлиги боис пастга тушиш юқорига чиқишдан-да қийин бўлиб кетди. Икки милиционер йигит менга кўмакка келди. Ҳар қадамда хатар. Биргина нотўғри ташланган қадам ҳалокатли бўлиши мумкин. Шундай шароитда тоғ бўйидаги йўлга тушиб келдик. Расмиятчиликлар ва бошқа югур-югурлар тугаганида тонг отай деб қолган эди. Шундан кейин ҳаммага жавоб берилди. Мен билан хайрлашаётган милиционерларга раҳмат айтдим.

— Прокурор бўлиш ҳам осон эмас экан, — дейишди улар менга қараб. Жилмайиб қўйдим. Бундай қидирув ишлари ишимизда тез-тез учраб туриши боис анча кўникиб қолган эдим. Бирор соат дам олиб, ҳодисани таҳлил қилишим ва зудлик билан вилоят прокуратурасига ҳисобот топишим зарур. Шу тахлит яна бир иш куни бошланди. Йўлда бироз тамадди қилишга имкон тугилди. Вилоят прокуратурасида йиғилиш

бўлди. Унда экстремизмнинг янги қўрилишлари ҳақида маълумот берилиб, унга қарши кураш чоралари белгилаб олинди. Шу тахлит куни билан Жиззахда қолиб кетдим.

Эртасига яна бир фалокатли ташвиш бизни оёққа қалқитди. Кун тушдан оққач Айдарқўлда икки милиционер вазифини бажараётганда чўкиб кетганлиги ҳақида хабар келди. Зудлик билан йўлга чиқдик. Манзил анча олис эди. Етиб борганимизда қўёш мавғилини турган қўл бағрига бош қўя бошлаган эди. Қирғоқ яқинидаги вагончага жасақларни ётқизиб қўйишди. Эксперт ҳамроҳлигида ичкарига кирдим. Не кўз билан кўрайки, менга ўтган кун тоғда кўмаклашган ўша самимий Аваз ва Қосим узала тушиб ётар эди. Маълум бўлишича, улар брокерларнинг ушлаш учун қайиқда қўл ичкарисига қараб сузиб кетишган. Ҳавонинг азвойи бузқ бўлишига қарамай, тушгача қонунбузарларни қувиш билан оверла бўлишган. Лекин кучли шамол тинмаган. Тўлқин ва шамол таъсирида қайиқ ағдарилиб кетган. Улар қирғоқдан ўн километр узоқда бўлганлиги боис сузиб чиқишнинг иложи бўлмаган. Рация орқали чақирқиқларга жавоб бўлавермагач тезкор гуруҳ йўлга чиққан ва иккала ходимни сув ичидан топишган, лекин кеч. Одамларнинг тинчлигини, хавфсизлигини таъминлаш мана шундай фидойилик талаб қилишини чуқур тушуниб етдим.

Прокуратура ходими бўлишнинг яна бир ноқулай томони бор. Сени исталган вақтда бошқа вилоят ёки туманга ишга жўнатишлари мумкин. Кейинги бир неча йил Зомин, Жиззах туманларига йўллади. Зоминда ишлаб юрган кезларим мудҳиш жиноят билан тўқнаш келдим. Яқиндаги қишлоқлардан

бирида чол-кампир ва ўн саккиз яшар набирасини ўлдириб кетишибди. Воқеа жойига бордик. Оддий қишлоқ ҳовлиси. Хом гиштдан қурилган тўрт хонали уй. Уй эгалари доим тозалikka эътибор берганлиги кўриниб турибди. Ҳовлидаги тол соясига ўрнатилган супа, нарироқдаги ҳовуз бўйига экилган райхон ва ялпизлар эътиборни тортади. Уйга кирамиз. Ўнг томондаги кичикроқ хона полида ёш, келишган бир йигит оёқларини беўхшов ташлаб ётарди. Унинг кўрагидан оққан қон анча жойгача оқиб борибди. У ич кийимда бўлиб, бу қотиллик тунда содир этилганидан далолат эди. Сўратқаш, криминалист, экспертлар ишга тушди. Мен қўшни хонага кирдим. Бу ерда унданда дахшатли манзарага дуч келдим. Эллик ёшлардаги бир аёл эшик томон талпинганча ётар, лекин ташқарига чиқишга имкон берилмаганлиги кўриниб турарди. Орқа томонидан куч билан урилганлиги боис бош қисми дахшатли ҳолатда эди. Эрини шигга осиб ташлашибди. Унинг бўйинига ўралган ингичка темир трос одатда енгил машиналарни шатакка олишда ишлатиларди.

Шаф ва сандиклар титиб ташланганди. Кекса аёлнинг қулоқ супраси йиртилган, бўйни кўкарган эди. Ўнг қўл бармоқларидан бир нечтаси кесилган ҳолатда нарироқда ётарди. Бу унинг тилла тақинчоқлари олинганидан далолат эди. Қотиллик жабрдидаларнинг мол-мулкига эғалик қилиш мақсадида содир этилганлиги кўриниб турарди. Жиноятчилар профессионал тарзда ишлаган, гувоҳ қолдирмаслик мақсадида ёш йигитни ҳам ўлдиришган. Ҳалок бўлганларнинг бир яқин қариндоши чол-кампирнинг пул ва тилла буюмлари кўп бўлганини айтди. Уларнинг доимий равишда одамларга пул қарз бериб, фоиз олиш билан шугулланишгани жиноятчиларнинг эътиборини тортган. Орадан бир қанча вақт ўтгач жиноятчилар топилиб, жазосини олди.

Кўп ўтмай Жиззах туманига ишга келдим. Ҳар тугул вилоят марказига яқин жойдалигим менга таскин берди. Тезда кўникиб қолдим. Бу ерда ҳам иш қайнаб бошлади. Суд қарорларини ижро этиш бўлимидаги ишларнинг аҳоли билан таниша бошладим. Маълум бўлишича, бу ерда судларнинг қарорлари турли сабабларга қўра вақтида ижро қилинмас экан. Ижрочилардан бирини чақиртириб миллионлаб сўм зарар ва жарималарни ундиришга бефарқ қараш жиноят эканлигини тушунтирдим. Шундан сўнг бу ижрочини тутиб бўлмади. Иш эса силжий демасди. Олдимга келган фуқароларнинг куни билан

сарғайиб туриши, ижрочини эса топиб бўлмаслиги мени ажаблантирди. Бир куни сабр косам тўлди. Кўзи ёшга тўла, хўрланганлиги кўриниб турган онанинг аҳолига чидаб бўлмасди.

— Собик эрим ичкиликка берилган эди. Уйга келиб тинчгина ётса майли эди-я, нуқул мен билан жанжаллашарди. Арзимаган нарсани баҳона қилиб қўл кўтарарди. Болаларимни ўйлаб ҳаммасига чидаб юрдим. Лекин бир куни мени ҳовлида болта кўтариб қувди. Бир амаллаб кутулдим. Яхшиям кўчамиздан мактабимиз директори ўтаётган экан. Дарҳол эримни қучоқлаб олди. Шу тахлит ажрашдик. Икки йилдан бери алимент тўламайди. Аёл бошим билан мардикорлик қилиб юрибман. Топиш-тутишим беш фарзанднинг қайси бирига бўлсин. Яна судга бердим. Шундан кейин ҳам бир йил ўтиб кетди. Ижрочи эса эрта келинг-индин келингдан нарига ўтмайди. Кўпинча уни топиб бўлмайди ҳам...

Шу куни ижрочини кун бўйи изладик. Кечга яқин эшигимизнинг олдида турган фуқаролар билан унинг идорасига бордик. Шу яқинда ўйнаб юрган болалар ижрочининг хонасида эканлигини айтишди. Биз эса жад билан кириб бордик. Эшик қўл эди. Тақиллатдим, ҳеч ким жавоб бермади. Ичимда қандайдир овоз унинг шу ерда эканлигини айтиб турарди. Эшикка яхшилаб разм солиб ичкаридан қўлфланганини сездим. «Эшикни очинг, билиб турибман, шу ердасиз» деган гапидан сўнг ичкарида ташвишланган овоз эшитилди. Ҳашиш чиқди. Бир кучим билан эшикни бир-икки силкиган эдим, очилиб кетди. Ичкарида қозғалар сочилиб ётар, бир ёшроқ аёл ўртада қаерга қочиши билмай қотиб турарди. Ёзув сталининг тағидан эса букчайиб олган ижрочининг қўйлаги кўриниб турарди. Унинг қўрқиб стол тағига бекинишга урингани баттар жадлимини қичқарди. Уни ташқарига олиб чиқдик. Сарсон-саргардон одамлар кузатувида кабинетимга олиб бордим. Фуқароларнинг олдида шармисор бўлишини ўзи унга муносиб эса эди. Уч кун муҳлат бердим. Барча ишларни тартибга солиш учун бу вақт етарли эди. Ишлар қонлиб кетди. Одамлардан миннатдорчилик сўзларини эшита бошладим. Айниқса ўша аёл мендан чексиз миннатдор эди. Лекин кўп ўтмай ушбу ижрочининг ахлоқи барибир муҳокама қилиниб, ишдан олиб ташланди. Бу эса бошқаларга сабоқ бўлди.

Клара ЯКУБОВА,
Жиззах вилояти прокурорининг
катта ёрдамчиси

АЗАЛИЙ МУАММО

ни ўйнаш ёки соғуқ қуроллар билан муомала қилиш оқибатида шикастланишдан, қаровсиз қолдириб кетилган дори-дармондан заҳарланишдан;

— йўл ҳаракати билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан;

— ота-онанинг зулми оқибатида турли жиноятларга қўл уришидан;

— безориларнинг таъжовузига учрашдан;

— бачабозлардан ҳимоя қилиш зарур. 1930-йилларнинг охирида ҳарбий қудрати ошиб-тошиб кетган Германиянинг димоғдор раҳбари Адолф Гитлернинг немис миллатини олий ирқ деб эълон қилиши, бутун дунёга ҳуқуқчилик қилиши қўзғалар уруш режасини тузиши қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қонлари тўкилиб, қанчадан-қанча болаларнинг бевақт ўлим топишига олиб келди. Германиянинг урушда шармандаларча мағлуб бўлиши

ҳам, Гитлернинг ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетиши ҳам, маслақдошларининг халқаро суд томонидан қилинишига яраша жазоланиши ҳам бахтли ҳаёт кечиршига ҳақли бўлган гўдакларнинг увол бўлган болалигини, йўқотилган соғлигини, азиз жонларини қайтариб бера олмади!

Бугунги кунда оналарнинг ўз фарзандини кўча-кўйга ташлаб кетишига, улардан қўриб етмайдиган ишларни бажариш ёки жиноий фаолият билан шугулланишга талаб қилишига нима сабаб бўлаяпти? Агар замон бўлса, аввало замоннинг нима эканини англаб олайлик. Замон олпоҳчики. Демак, даҳрдан норози бўлиш, уни ҳақорат қилиш Яратганининг ўзидан норози бўлиш ва уни ҳақорат қилиш билан баробардир.

Балки сиз юқориди санаб ўтилган иллатлардан ҳолидирсиз. Бироқ яна учта, юзакли қараганда иллат дейишга арзимай-

диган, биз оддийгина қилиб камчилик ёки нуқсон деб атайдиган иллатлар ҳам борки, улардан ҳеч бўлмаса биттаси ҳар биримизда мажбур десак деярли янглишмаган бўламиз. Булар — эҳтиётсизлик, бепарволик, лоқайдликдир. Айнан шу иллатлар туфайли биз болаларимиз билан содир бўладиган бахтсиз ҳодиса ва жиноятларга йўл очиб берамиз. Эҳтиётсиз бўлмаганимизда ҳали ёлғиз қолдириш ёшига етмаган гўдагимизни уйда ёлғиз қолдирмасдик? Бепарво бўлмаганимизда гўдак фарзандимизга светофорнинг қайси чиройи ёнганда чорраҳадан ўтишни ҳафсала билан тушунтирсак-да, ўзимиз у билан бирон ҳолатга кетаётганимизда йўлнинг тўғри келган жойидан кесиб ўтмасдик? Лоқайд бўлмаганимизда қўшнимизнинг боласи жиноят қўчасига кириб кетаётганини қўриб турсак-да, ўзимиз биланмаганга олиб турармиким?

Бола ҳимояси — азаллий муаммо. Уни ҳал қилишга ҳар бир ота-она сидқидилдан қиришсагина бу муаммо ҳамият миқёсда ҳал этилиши мумкин.

Ориф ШАҲОБИДДИН

SUD OCHERKI

Коррупция ва иқтисодий жиноятчилик иқтисодиётга, қолаверса жамиятнинг маънавий негизларига жиддий зарар етказиши мумкинлиги исбот талаб этмас ҳақиқат. Шу сабабли ҳар қандай давлат жиноятчиликнинг бу кўринишларига қарши жиддий кураш олиб боради.

Давлат хизматини, масъулиятли лавозимларни мўмай даромад манбаи деб билган, коррупция ва иқтисодий жиноятчилик орқали тараққиётимизга тўғаноқ бўлишга интилаётган нопоқ кимсалар эртами-кечми, албатта қонун олдида жавоб берадилар.

Жиззах шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида ишлаб келаётган Низомжон Уроловнинг ҳамкасблари ва таниш-билишлари орасида бўбўси яхши эди. Инспекциянинг давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатга қўйиш бўлими бошлиғи Низомжонга кўпчиликнинг, ҳатто менман деган тадбиркорларнинг ҳам иши тушуши тайин эди.

Одатдаги қўнларнинг бирида, анкироғи шу йил февралнинг бошларида унинг олдида ўзини Фахриддин ва Алексей деб таништирган икки киши ғалати таклиф билан келишди. Бу таклифга рози бўлса ўзини нималар кутаётгани тўғрисида ўйга толган Низомжон бироз иккилангандай бўлди. Олдида ўтирган икки ишбилармон унинг бу иккиланганини ўзларича тушунишди:

— Улушнингиз фойдага қараб ошиб бераверди.

— Келишди, — деди Низомжон шу гапни қўлиб тургандай.

— Бугундан кечиктирмайлик унда.

Шу тариқа бўлим бошлиғи Низомжон Уролов ўзи учун яна бир мўмай даромад манбаини кашф этади: Жиззах шаҳрида янги очилган, лекин фаолият кўрсатмаётган фирмаларни ваколатидан фойдаланиб бошқалар номига расмийлаштириб бериш, эвазига эса бундай фирмаларнинг ноқонуний фаолиятдан тушадиган даромадга шерик бўлиш йўлига кириб, қўл остидаги ходими Баҳодир Қодирқуловни ҳам жиноятга шерик қилиб олади.

Биринчи эпизод: «Янги тараққиёт» кўзбўямачилиги

Анчадан бунён ўйлаб юрган режасини амалга оширишга қарор қилган Жиззахлик Юнус Отабоев шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига йўл олади. Бу ерда у қариндоши, инспекция ходими Баҳодир Қодирқуловга урчишиб хусусий фирма очиш нияти борлигини айтиб, маслаҳат солади.

— Бизнесмен бўлмоқчиман денг, яхши ўйлабсиз, — дейди Баҳодир. — Фирма очиш учун керакли ҳужжатларни ўзини тайёрлаб, расмийлаштириб бераман. Фирмагизга ном топишни ҳам ўзимга қўйиб бераверинг.

Ўртадаги одамлар

Ҳужжатлар тахт бўлса, сизга хабар қиламан.

Ишнинг бундай осон кўчишини кутмаган Ю.Отабоев хурсанд бўлиб уйига қайтади. Кўп ўтмай Б.Қодирқулов уни чақиртириб, «фирмагизни «Янги тараққиёт» деб номладик. Мана бу фирма низоми, нотариусга бориб тасдиқлатиб келсангиз бўлди. Энди, сиз бир фирмага раҳбарсиз, табриклайман» деганида Ю.Отабоевнинг қувончи ичига сиғмай кетган эди. Бирок бу хурсандчилик узокқа қўзилмади.

Маълумки, бизнес учун маблағ керак. Шу боис Ю.Отабоев банкдан кредит олиш тараддулида юрганида Баҳодир йўқлаб келади.

— Фирмани очишга очдик. Қачон юргизасиз энди?

— Кредит ололмай турибман.

Ҳозирча юргиза олмасам керак.

— Барбери фирмани сиз юргиза олмайсиз. Маслаҳатим, уни бошқа бировга, ишнинг кўзини билган одамнинг номига ўтказиб юборинг.

Хуллас, Баҳодир борхунарини ишга солиб Ю.Отабоевни нотариус орқали фирмани бировнинг номига ўтказишга қўндрди.

Мақсад нима эди?

Аслида «Янги тараққиёт» ташкил топилишининг бошдаёқ ноқонуний ишлар бўлиб ўтган эди. Яъни, Ю.Отабоевнинг мурожаатидан ўзларининг

жиноий мақсади йўлида фойдаланишни режалаштирган бўлим бошлиғи Н.Уролов ва ходим Б.Қодирқуловлар унинг номидан инспекция бошлиғи номига ариза расмийлаштириб, сохта маълумот киритилган аризага Ю.Отабоевнинг имзосини қўйдириб олишган. Почта манзили ва санаси сохташатирилган ариза асосида «Янги тараққиёт» хусусий корхонаси ташкил этиш учун ўзлари низоми тузишди. Ю.Отабоев ушбу низоми ноҳарил идорада тасдиқлатиб келганидан кейин тўлов қаватияси ва сохта маълумот илова қилинган ҳужжатлар тўпلامини инспекция раҳбарига тақдим этишган. Шунингдек хусусий корхона штамп ва муҳр эскизига ҳам Ю.Отабоевнинг имзосини сохташатириб, ИИБдан рухсат олган бўлсалар-да, штамп ва муҳрни икки хил — хусусий корхона ва масъулият чекланган жамият тарзида тайёрлашган. Шундан сўнг Жиззах шаҳрида рўйхатдан ўтган корхона гўё Ю.Отабоевнинг соғлиғи ёмонлашганлиги боис Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи Алексей Огнев номига ўтказилди. Шу тариқа «Янги тараққиёт» хусусий корхонасининг ҳужжатлари, муҳр ва штампга А.Огнев ва тергов жараёнида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Фахриддин исмли кишиларнинг ихтиёрига ўтди. «Ишбилармонлар» ишни улғуржи ва чака-

на савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни қалбақлаштиришдан бошлайдилар. Уларда корхона масъулияти чекланган жамият тарзида кўрсатилиб, савдо-сотик бошлаб юборилди. Жиноий тўда қалбаки ҳужжатлар билан мажкур корхона ҳисоб-рақамини «Ўзприватбанк»нинг Тошкент филиалида очишга эришадилар. Шу аснода 2005 йилнинг 3 февралдан 5 мартга қадар ноқонуний равишда савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб, 9.075.353.688 сўмлик товар айланмасини амалга оширишган. Бу билан Вазирлар Маҳкамасининг халқ истеъмоли молларининг улғуржи ва чакана савдоси, нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартришга оид қарорларини қўпол равишда бузиб келишган. Савдо-сотикдан тушган 7.825.877.100 сўмлик нақд пул қассага қирим қилинмаган, банкка топширилмаган. 245.034.549 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмаган.

Иккинчи эпизод: «Silver garden» уйини

Тадбиркорлик билан шуғулланмаётганларнинг кам бўлмаётганини қўриб-билиб, ҳавас қилиб юрган Хўриш Иброҳимов ҳам ўзини бизнесда синая қўришга қарор қилди. Шу ўйлар-

да Жиззах шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими бошлиғи Н.Уроловга учрашди. Н.Уроловнинг жўли маслаҳатлари билан фирма очиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашга киришди. Яхши ниятлар билан фирмасига «Silver garden» деб ном қўйди. Бирок ҳужжатлар деярли тайёр бўлган бир пайтда қорғозиликдан, югур-югурлардан чарчаганиданими ёки маблағ масаласидаги муаммо сабаблими Хўришнинг иштиёқи сўнади. Фирманинг тақдир ҳақида сўраб-суриштирмай ҳам қўяди.

Бундай ҳолатлар Низомжон Уролов учун аини муддао эди. Шу боис у Х.Иброҳимовни чақириб, «Silver garden»ни бировнинг номига расмийлаштириб беришга қўндрди. Х.Иброҳимов рози бўлган, фирма Тошкент вилояти Қўрай туманида яшовчи Ирек Гайнутдинов номига расмийлаштирилди. Шу тариқа бу фирма ҳам Н.Уроловнинг жиноий шерикла-

ри қўлига ўтди.

Қолган ишлар ҳудди «Янги тараққиёт» билан бўлгани каби давом этади. Яъни, чакана ва улғуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар қалбақлаштирилади, фирманинг ҳисоб-рақами «Ўзприватбанк»нинг Тошкент филиалида очилади ва ҳоказо.

«Silver garden» хусусий фирмасининг 2005 йил 1 мартдан 23 мартга қадар ноқонуний фаолияти давомида 2.588.678.800 сўмлик товар айланмаси амалга оширилди. Тўшум эса қассага қирим қилинмаган ва банкка топширилмаган. Шунингдек, 69.894.328 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмаган.

Жиноят жазосиз қўлмайди. Ноқонуний ишларимизнинг изини ҳеч қим тополмайди деб ўйлаган бу «ишбилармонлар» суд олдида жавоб берди. Суд уларнинг қилмишига яраша жазо белгилди.

Коррупция, иқтисодий жиноятчилик жамиятимизнинг энг оғир қилмуаммоларидан биридир. Ўз вақтида бу муаммонинг олдини олмасак, унинг илдизлиари ўргимчак тури каби бутун жамиятни қамраб олиши мумкин. Унга қарши кураш бир зам тўхтаб қолмаслиги керак.

М.МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

JINOYAT VA JAZO

ЗЎРАВОН ЙИГИТ

Фарзанд улғайиб, эл-юрт ташвишига шерик бўлса, тенгқурлари қатори ҳарбий хизматга отланса, ота-она учун ундан ортқ бахт йўқ. Шўхрат Нурмуродов, Орифжон Ярашев (исмлар ўзгартирилган)ларни ҳарбий хизматга қузатишга танда ота-оналарнинг бошлари осмонда эди.

Шўхрат ҳарбий хизмат шaroитига тез қўнқиди. Орадан олти ой ўтганини сезмай ҳам қолди.

Маош олган аскарлар қатори Ориф Ярашев ҳам хурсанд. У атрофни тоза-лаб, ётқонхонасига кирганида қайфияти аяло эди. Юз-қўллари соникча артаётган Ориф кўз қири билан Шўхрат Нурмуродов ҳамда Азамат Расуловларга зимдан қараркан, кўнгли бир қоралишни сезгандай бўлди.

— Берирок кел-чи, — аскар йигитни имлади Шўхрат. — Маошинг қани?

— Мана, — норози оҳангда пулни узатди Ориф.

— Чўғи настрокми, қолган минг сўмини ҳам чўз-чи, — киноя аралаш деди Шўхрат.

Шўхрат.

— Сендан сўрайман?! — Ориф юзи аралаш келиб тушган шалапоқдан гандирақлаб кетди.

Навбатдаги муштдан кейин Ориф мувозанатини йўқотиб йиқилди. Боши қароватга урилиб ҳушидан кетди...

Оддий аскар Ориф Ярашевнинг ахволи оғирлашиб, Бухоро шаҳар касалхонасига ётқизилди. Бош миёда ўтказилган оғир операция, шифохорларнинг сай-ҳаракатлари туфайлигина оёқ-қўллари ишламай, нутқидан тамоман айрилган йигит ҳаётга қайтди.

Жиноятчи қилмишига яраша жазосини олди.

Умр давом этмокда. Орифжон бутунлай соғайиб ҳам кетар, Шўхрат қатоларини англаб ҳаётда ўз ўрнини ҳам топар... Лекин қўнқил жароҳатлари битиб, виждон азоби унут бўларканми?

Хасан ШАМСИДИНОВ,
Бухоро ҳарбий прокурори

ENTIYOT BO'LING, FIRIBGARI!

Она ўз фарзандига ёмонлиқни раво қўрмайди, дейишади. Лекин ҳамма оналар ҳам шундаймикин?

Ўз фарзандини разолат ботқоқига ботириб, унинг қўлидан ҳаром лўқма ейдиган оналар ҳам йўқ эмас экан. Кенжаҳон (исмлар ўзгартирилган) ана шундайлардан бўлиб чиқди. У ўз қизлари қатори бегоналарини ҳам фоҳишалик кўчасига тортиб, ҳоринга жўнатар экан. Яхшиси, унинг тузоғига тушганлардан бирининг суддаги кўргазмаси билан танишинг.

— Кенжаҳон опани 2000 йилдан бери танийман. Шифохонада бирга ишлаганмиз. 2002 йилда нафақага чиқиб кетган. Бир кун Туркияга борасизми, бир-икки ой ичида катта пул ишлаб берасиз, деб қолди. Қандай бораман, десам қизлари Холисхон ва Хавасхонлар яқинда Туркияга кетишгандигини, улар билан бирга боришим мумкинлигини айтди. Рози бўлиб паспортим билан суратимни бердим. Қирғизистон паспортлари тайёр бўлган, йўлга чиққан эдик, орган ходимлари тўхтатиб қолди...

Энди Кенжаҳон опанинг қизлари ҳақида. Холисхон 24 ёшда, илгари фибрибларлик жиноти содир этганлиги учун судланган. 2001 йилда уч ой, 2003 йилда эса икки ой Туркиянинг Трабзон шаҳрида «ишлаб» келди. Шу йилнинг бошларида Туркияга бориш учун шерик топмоқчи бўлди. Унга онаси кўмаклашди. Опаси Хавасхон эса Қирғизистон паспортини тайёрлашга кири-

ҚОЛДИРИЛГАН «САФАР»

шади.

Хавасхон оиланинг тўнғичи бўлиб, эри билан ажрашган. Битта фарзанди бор. У ҳам Туркияга бир неча бор «саёҳат» қилиб келган.


— Бир миллион сўмга 5 та хориж паспортини тайёрлатдим, — дейди судда Хавасхон. — Менга жалолободлик Акбар деган одам ёрдам берган...

Адашган, алданган, ҳаёти барбод бўлганлардан ана бири Гулнорадир. Ҳали оила қурмай, Холисхонга қўшилиб ифратини йўқотган. 2004 йилда Озарбайжон орқали Туркияга бориб, Хавасхон турган «мехмонхона»га тушади. Тўрт ой «ишлагач», қалбаки ҳужжат билан юрганилган фўш бўлиб, Ўзбекистонга қайтариб юборилди.

Айтиш қанчалик оғир бўлмасин, бу факат шу аёллар фожеасигина эмас, миллат фожеаси ҳамдир.

Суд фақш ботқоқига ботган бу хонимларга тегишли жазо тайинлади.

М.НОСИРОВ,
Фаргона вилоят прокурори катта ёрдамчиси



SAN'ATIMIZ DARG'ALARI

Машхур кулгу даргаси Юсуфжон кизик Шакаржонов: «Мен бу дунёга сизлар билан кулишгани келганман», деган экан. У киши ўзи ҳам кулиб, бошқани ҳам кулдириб, оламдан ўтди. Кулгу ўстаси, кизикчи сифатида тарихда абадий қолди. Унинг ичакузди хангомалари ҳамон оғиздан оғизга ўтиб келади, одамлар калбига ҳузур бағишлайди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги кулгу ижодкорларининг сардори бўлиб келадиган Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов ва унинг рафикаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Каримова ҳақида ҳам ана шундай гапларни айтиш мумкин.

— Ўтган асрнинг 50-йилларида Тошкентнинг Комсомол боғида (Хозирги Ўзбекистон Миллий боғи) карнавал ўтказиш одат тусига кирган эди. Навбатдаги карнавал кун кечки пайт мен ҳам боққа йўл олдим. Одамлар энди тўплана бошлаган эди, — деб эслайди Эргаш Каримов. — Кўл ёқасига ёғоч қаравот қўйилган бўлиб, унда бир нуроний отахон ўтирарди. Ёлғиз, ён-атрофида ҳеч ким йўқ. Яқинлашиб салом бердим. Ёнидан жой кўрсатиб, «Ўтир» ишорасини қилди. Отахон билан гурунгимиз тезда қовуша қолди. Қарданлигим, қайси билим даргоҳида ўқийётганимни сўради. Тошкентлик эканимни, театр ва рассомчилик санъати институтида таълим олаётганимни айтдим. Гап орасида сатира ва юмор йўналишига кизикчиимни яширмадим. «Яхши, яхши, — деди отахон. — Кулги умрни узайтиради. Қани, қўлингчи оч. Ора-унияларинг рўёбга чиқиб, элга таниқли санъаткор бўлиб етишгин!»

Кейин билсам, ўшанда машхур кизикчи Юсуфжон Шакаржоновнинг оқ фотиҳасини олиш бахтига муяссар бўлган эканман.

Ўша воқеага салкам ярим аср бўлди. Улуг инсоннинг табарқуқ нафаси теккан эканми, бугун Эргаш Каримовни кўрганда ёки номини эшитганда ҳар қандай одамнинг қалбига илиқлик, юзига табассум югуради. Бу даражага етгунча у озмунча изланиб тер тўқидими?!

Агар Эргаш Каримовнинг ижодий фаолият бошлаганига эллик

ўхшамайдиган турфа ролларни ижро этди. Бор йўғи 4-5 дақиқа давом этадиган ўша мўъжаз томошаларда халқнинг дилидагини тилга олиб чиқди, турмушимиздаги иллатларни аёвсиз фотиҳ этди. Орадан ўттиз-қирқ йиллар ўтган бўлишига қарамай, у яратган куйма образлар ҳамон кўпчилиكنинг ёдида сақланиб қолган. «Солиқ», «Лампа-шиша», «Синовчи ичувчи», «Бирин-

Кулар ҳатто қовоқлар. Шунинг учун оловлиг. «Запас» ичка-қовоқлар.

Эргаш Каримов том маънода сержирра ижодкор. У — «табассум» радиожурналининг доимий иштирокчиси. Кинода ҳам ўнлаб ролларни қойилмақом қилиб ўйнаб қўйган. Биргина «Шум бола»даги домлани эслайлик. Бу ролни бошқа бир актёр

Фарзандлари Эркин ва Озод олий маълумотли мутахассис; бири муҳандис, иккинчиси шифокор. Тўрт нафар набиралари воёга етмоқда. Ҳар ким ҳавас қилса, арзигулик оила. Аллоҳ бу икки аjoyиб санъаткорга одамларни кулдириш истеъдоди билан бирга юксак инсоний фазилатлар ҳам берган.

Яқинда Эргаш Каримов таваллудига етмиш йил тўлиши муноса-

Кулгу кирган қалбга қайгу йўламас

Атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш КАРИМОВ 70 ёшга тўлди



чи муҳаббат», «Ошхонанинг мушуги», «Калит» сингари минатюраларни бир бор эслашнинг ўзи кифоя.

— Комик ролларни ижро этишда Эргаш ўз ҳамкасблари орасида алоҳида ажралиб туради, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад. — Эргаш табиий, бачканаликдан ҳоли, кулгу кучини маълум мақсадга йўналтира оладиган ижроқчи. Образнинг, ҳоқ ижобий, ҳоқ салбий бўлсин, ичига қиради, тингловчини кулдирадиган ҳолатларни ўша образ ичидан сугуриб олади.

Эргаш Каримовнинг ҳажвий образлар яратишдаги истеъдодига тан берган шоир Яхё Тоға шундай шевър тўқиди:

Эргаш Карим кулганда,
Кулар амма-халалар.
Эргаш Карим кулганда,
Кулар ҳатто болалар.
Эргаш Карим кулганда

ижросида тасаввур қилиб бўладими?!

Атоқли санъаткор «Телеминатюралар театри»да юзлаб салбий образлар яратган. Унинг ижросида бюрократлар, порахўрлар, ишқ-мас-дангасалар, пиёнистлар, илм олишга тоқати йўқ ношуд талабалар ҳамон кўз ўнгимизда гавдаланиб туради.

У ҳаётда ниҳоятда жиддий инсон. Буни мен маҳалладош бўлганим боис жуда яхши биламан. Катта-кичикми, ким бўлмасин, ҳамиша кўнглига йўл топиб муомала қилади. Икки оғиз ширин сўзини аямайди. Кўп йиллар мобайнида «Жангтоҳ» маҳалласида фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатади. Маҳалладошларнинг яхши-ёмон кўнларида ҳаммиша бирга, қувончи ташвишларига шерик бўлиб келмоқда.

Эргаш ва Розияхон оила бошлиқлари сифатида барчага ўрнак.

бати билан Ўзбек миллий академик драма театрида ўтказилган учрашувда «Ўзбектелевизиокомпания» раисининг биринчи муовини Фарҳод Рўзиев кизик бир гапни айтди.

— Мен Эргаш акани дарвозанинг «тўққиз»ли белгисини нишонга олиб гол қилдиган ҳужумчига ўхшатаман, — деди у. — 1979 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1989 йили эса «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонларига, 1999 йили эса «Эл-юрт хурмати» орденига сазовор бўлди. Мана кўрасизлар, 2009 йил келсин, яна нишонга уради, бирон ютққа эга бўлади.

Ҳазил тариқасида айтилган бу санимий гапда жон бор. Эргаш Каримов ҳали ижоддан тўхтагани йўқ. Ҳамон изланишда, ҳамкасблари сафида туриб янги-янги лойиҳалар устида бош қотирмоқда.

Унинг ҳали одамларни кулдириб, миллионлаб қалбларга битмас туганмас қувонч улашишига ишонамиз.

Тоҳир МИРҲОДИЕВ,
журналист

BOXS



МАТЧНИНГ ВАҚТИ ЎЗГАРДИ

Супер оғир вазндаги боксёрлар Виталий Кличко ҳамда Ҳасим Раҳмон ўртасидаги матч яна қолдирилди. Лас-Вегасдаги рингга кўтарилишидан бир ҳафта олдин катта Кличко машғулот пайтида тиззасидан жароҳат олди. Промоутерлик компаниясининг раҳбари Боб Арум бўлажак матчнинг санаси шу ҳафта эълон қилинишини билдирди. Икки боксчи ўртасидаги жанг бундан аввал ҳам икки марта қолдирилган эди. Мазкур матч учун WBS таснифи бўйича амалдаги чемпион Виталий Кличко 7,8 млн. доллар, Ҳасим Раҳмон эса 4,2 млн. доллар миқдорда гонорар олади.

KINO OLAMIDA

ҲОЛЛИВУД РАМЗИ

АҚШ кино санъатининг рамзи бўлмиш Лос-Анжелесдаги «Hollywood» ёзуви таъмирланади. Таъмирлаш жараёни бир неча ҳафта давом этиб, унга 100.000 доллар маблаг сарфланиши режалаштирилган. Ишчилар гигант ёзувларни чанг ва зангдан тозаллаб, ҳар бир харфни оловга чидамли оқ бўёқ билан бўйядилар. Баланглиги 15 метр, эни 12 метрлик 10 харфдан иборат ёзув 1978 йили Ҳолливуд тепалиғидаги Ли тоғи яқинида ўрнатилган эди.



Баргларини дарахт учирди Ерга — Айлантириб олтин қушчаларга.

TURFA OLAM



ҚАДИМ ОДАТ ШАЙДОЛАРИ

Олмаоталик икки ака-ука қозоқларнинг урф-одатига амал қилиб, келин ўғирламоқчи бўлишди. Энди уларни қамоқ жазоси кутмоқда. Виллоятнинг Уйғур тумани прокурори Абдумалик Сайитбековнинг гапига кўра, Қалжат қишлоғида яшовчи йигит ҳамқишлоқ қизни севиб қолади. Лекин қиз унинг муҳаббатини рад этган. Шунда йигит севилисини ўғирлашга қарор қилиб, укасини қумакка чақирган. Белги-ланган кун «келин»нинг дўғонаси қизни алдаб кўчага чақириб олади, уни куч ишлатиб машинага ўтқизишади. Бироқ, «келин» эпчиллик қилиб, юриб кетаётган машинадан тушиб қолади ва тўғри туман ички ишлар бўлимига шикоят билан боради.

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'asischi:

O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdulloq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahrridin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV
(mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.



Telefon: 133-82-34,
133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231,232

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarining fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar beldgi ostida chop etiladi.

Buyurtma — 158. 10691 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbanchi muharrir: F.MAMASHARIPOV
Musahhlili: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korzona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2345678

Gazeta
haftanang
chorshanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda